

МИРЗАБЕК ШЕРБЕКОВ

МЕҲРИНГИЗНИ ҚЎМСАЙМАН

ШЕЪРЛАР



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2020

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

Ш – 73

Шербеков, Мирзабек

Меҳрингизни қўмсайман: шеърлар / Мирзабек Шербеков. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. – 56 б.

ISBN 978-9943-20-668-7

Шеър шоирнинг қўнгли тубидаги орзу-армонлари, ҳайрату тугёнлари инъикосидир.

Мирзабекнинг отасига бағишлаб ёзган шеърларини ўқиб, ёш қалбнинг изтиробларини, отадан эрта айрилган шоирнинг дарду соғинчларини ич-ичингиздан ҳис этасиз.

Ватан, она, яхшилик, муҳаббат мавзусидаги шеърларида ҳам ўзига хос ифода услуби, жозибаторлик, самимийлик бор.

Азиз китобхон, қўнгил манзаралари акс этган ушбу шеъррий тўплам сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-20-668-7

© Мирзабек Шерметов, «Меҳрингизни қўмсайман». «Янги аср авлоди», 2020 йил.

*Ушбу китобимни отам
Отабек ШЕРБЕКОВнинг
ёрқин хотирасига бағишлайман.
Муаллиф*

ОТАЛАРДАН МЕРОС МЕХР

Мирзабек Шербеков Бекобод туманининг азим Сирдарё бўйларида жойлашган қишлоқда туғилган. Сирдарёнинг бу жойларда ёйилиб оқиши, қирғоқларидаги бутазор ва яйловлар қишин-ёзин болалар учун чўмилиш, турли ўйинлар ўйнаш, қўй-қўзилар боқиш маскани бўлиб келган. Табиийки, дарё бўйида, гўзал ва мафтункор манзара кашф этган кенгликларда улғайган ўспирин қўлига қалам олиб хис-ҳаяжонларини, хайрат ва орзуларини қоғозга тушира бошлайди.

Мирзабек ўн олти ёшидан бизнинг «Илҳом» ижодкорлар клубимизга қатнай бошлаган. У менга ўзининг ушбу иккинчи шеърий тўпламини олиб келганда шеърлар билан бирга отаси Отабек Шербеков ҳақида хотираларини ҳам берганди. Мен уларни ўқиб, Мирзабекни шеъриятга мурожаат қилишига нафақат болалик хайратлари ва ўсмирлик орзу-истаклари, балки ёш бошига тушган мусибат ҳам сабаб бўлганини англадим. Мана унинг отаси ҳақидаги хотираларидан бир парча:

«Биз отамиздан ажралганимизда мен ўн тўрт ёшга эндигина тўлгандим. Ота-онам саккиз қиздан кейин Худодан тилаб олган биттагина ўғил эдим.

Ҳали-ҳанузгача бўлиб ўтган воқеалар туш бўлиб қолса қанийди, деб ўйлаб қоламан. «Вақт олий ҳакам», деганлари рост экан. Отамдан кейин ўтиб бораётган умримнинг ҳар кунда уларнинг ёқимли

нигоҳлари, салобатли юришлари, насихатомуз сўзларини соғиниб яшайман. Гарчи отам 57 йил умр кўриб, фарзандлари роҳатини кўрмай ўтган бўлсалар-да, уларнинг эл-юртга қилган хизматлари, хушмуомалаликлари ҳамқишлоқларимиз ёдида қолган. Кўча-кўйда, тўй-маросимларда ёши улуг инсонлар «Кимнинг ўғлисан?» деб сўрашганда, отамнинг исмини айтганимда, «э, раҳматлик жуда яхши, камтарин, кечиримли инсон эди», деб менга далда беришади».

Китобга киритилган кўпчилик шеърларнинг ота-онага, айрилиқнинг изтиробларига бағишланганлигига сабаб ҳам шу. Лекин ўн тўрт ёшида оилага бош бўлган, болалиқдан сакраб бирдан катта бўлиб қолган шоир укамиз қаламидан бино бўлаётган шеърлар Мирзабекка айрилиқ аламларини енгишга, ҳаётга рўй-рост, дадил баҳо беришга, унинг шодлик ва ташвишларини бирдай қабул қилишга қўмақдош бўлди. Зеро, шеърятнинг илоҳий вазифаларидан бири ҳам шу. Мирзабек ушбу шеърый тўпламини отаси хотирасига бағишлаган экан, аввало ота руҳи шод бўлсин. Бундан буюғига ҳаётга муҳаббат, Ватанга садоқат, оналарга меҳр, севган одамларига эзгу ният туйғулари шеърларининг асосий мазмуни бўлиб қолаверсин.

*Нурали ЖАЛИЛ,
шоир, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
«Илҳом» ижодкорлар клуби раҳбари*

МЕХРИНГИЗНИ ҚЎМСАЙМАН

Нахот энди тополмасман изларингиз,
Сиз бош қўйган ёстиқларда исларингиз.
Ортингиздан йиғлаб қолди қизларингиз,
Меҳрингизга тўёлмадим, дадажон.

Бу ёғига ҳамроҳимиз сабр бўлди,
Сиз кетдингиз, онамга кўп жабр бўлди.
Борар бўлсак, манзилингиз қабр бўлди,
Меҳрингизга тўёлмадим, дадажон.

Зор йиғлади ортингиздан шўрлик онам,
Етмасмиди бошларига тушган ситам.
Сизни эслаб кўзларида қолади нам,
Меҳрингизга тўёлмадим, дадажон.

Бор дардингиз ичингизга ютдингиз-ку,
Бу дунёда ҳалол яшаб ўтдингиз-ку.
Мирзабекни йигирма йил кутдингиз-ку,
Меҳрингизга тўёлмадим, дадажон.

Сизга атаб шеърлар ёзсам ёнар дилим,
Меҳр нурга энди қачон қонар, дилим.
Муштдеккина юраккинам тилим-тилим,
Меҳрингизга тўёлмадим, дадажон.

Сизни ҳамон эслар эркатойларингиз,
Атиргуллар билан тўлсин пойларингиз.
Тилайманки жаннат бўлсин жойларингиз,
Меҳрингизга тўёлмадим, дадажон.

Хеч бўлмаса тушларимда кўрсам эди,
Юзингиздан силаб-сийпаб ўпсам эди.
Армон бўлган давлатимни топсам эди,
Меҳрингизга тўёлмадим, ДАДАЖОН...

ДАДАМГА ЎХШАСАМ

Майли юзга тўлолмасам ҳам,
Ҳаёт нима билолмасам ҳам,
Буюк ишлар қилолмасам ҳам,
Мен дадамга ўхшасам дейман.

Ҳар бир ишда қойим саришта,
Қочиб машаққатдан нолишдан,
Ёнимизда юрган фаришта,
Мен дадамга ўхшасам дейман

Қалблараро шамолдай елиб,
Севги нима, ишқ нима билиб.
Бу дунёга бир бора келиб,
Мен дадамга ўхшасам дейман.

Ёнма-ёндири бахт билан қайғу,
Муҳаббатдан тувилган туйғу,
Қалбимизда яшарлар манғу,
Мен дадамга ўхшасам дейман.

Сиз эдингиз менинг жаҳоним,
Қуёши бор чексиз осмоним,
Юрагимда буюк армоним,
Мен дадамга ўхшасам дейман.

ОТАМДАН КЕЙИН

Юрагимни эзар армоним,
Дардлар айтар менинг забоним.
Тикан захри сабаб товоним,
Қонар бўлди отамдан кейин.

Нонга ўтмай қолди тишим ҳам,
Юришмади баъзан ишим ҳам,

Келиб турган яқин кишим ҳам,
Тонар бўлди отамдан кейин.

Қора булут кезиб осмонни,
Яқинлардан кечиш осонми.
Юрак ичиб аччиқ қасамни,
Ёнар бўлди отамдан кейин.

Ўтиб кетди мени қутганим,
Орзу қилиб зўрға етганим.
Олма пишди дея, тутганим
Анор бўлди отамдан кейин.

Дардли ўтди ҳатто кечалар,
Тор туюлди менга кўчалар.
Эсиз, дея неча-нечалар
Йиғлар бўлди отамдан кейин.

Баҳоримда эримас қорлар,
Лекин қалбим негадир чорлар.
Бошим ушлаб иймони борлар,
Силар бўлди отамдан кейин.

Қўлга олиб бугун торимни,
Халққа айтгум дилда боримни.
Ёлғиз онам менинг ҳолимни
Сўрар бўлди отамдан кейин.

Дедим – ҳаёт бўлмаса керак,
Энди юрак урмаса керак.
Қўзларимдан ёшларим чак-чак
Томар бўлди отамдан кейин.

Янада шўр пешона терим,
Кимга бориб айтаман сирим.
Армон билан бугунги шеърим
Ёзар бўлдим отамдан кейин.

ОТА

Сиз паноҳим, суянчигим – тоғ эдингиз,
Сизсизликни сезмай ўтаяпман, ота.
«Мен борманку парво қилма» дер эдингиз,
Дунёларга сизмай кетаяпман, ота.

Сиз боғбоним, сиздан неча боғлар қолди,
Болалиқдан энг ширин дам, чоғлар қолди.
Юрагимда ўчмас бўлиб доғлар қолди,
Дунёларга сизмай кетаяпман, ота.

Йиғлаган мен эмас, у қон юрагим,
Севинчлардан тўлғанади жон юрагим,
Куч-қувватга тўлғанида тош билагим,
Дунёларга сизмай кетаяпман, ота.

Сиз кетдингиз – армонларга сирдош бўлдим,
Минг неча ўй, ташвишларга сафдош бўлдим,
Бир лахзада катта бўлиб мен бош бўлдим,
Дунёларга сизмай кетаяпман, ота.

Қариндошлар кўрар бўлди тўйларимни,
Ўхшатишар сизга менинг бўйларимни,
Қайдан билсин дилдаги дард, ўйларимни,
Дунёларга сизмай кетаяпман, ота.

Вақтлар ўтди, кўз ёш тўкиб катта бўлдим,
Ёлғизликнинг шаробини тотдим, билдим,
Мана қаранг, мен ҳам бугун ота бўлдим,
Дунёларга сизмай кетаяпман, ота.

Хаёт экан, гоҳ ўзимдан тонаман мен,
Ота дея хайқираман, ёнаман мен,
Армонимни шеърларимга кўмаман мен,
Дунёларга сизмай кетаяпман, ота.

АЙРИЛИҚ

Мен кўрмадим дунёда
Сиздек ҳалол инсонни.
Кетдингиз-ку дунёдан
Дилга солиб армонни.

Мен қолдимми, зор бўлиб,
Дийдорингиз соғиниб.
Ташладингиз, кетдингиз,
Онам қолди ўкиниб.

Энди қайдан топаман
Сизнинг босган изингиз.
Қўз ёшини тўкишди
Уйда саккиз қизингиз.

Қалбимда неча ўйлар,
Орзулар армон бўлди.
Айрилиққа чидолмай,
Юраккинам қон бўлди.

Сизсиз менга тор олам,
Тўрт томоним девордир.
Гўё танда жоним йўқ,
Юрак ҳамон беҳолдир.

Қани, энди, кўрсайдим
Қайта кирса танга жон.
Сизни ёмон соғиндим,
Нима қилай, дадажон.

Ёзганларим шеър эмас,
Дилда қотган ситамлар.
Дардимни қайдан билсин,
Дадаси бор одамлар.

ОНАМГА ТАБРИК

Дунёда сиз билан кўнглим тўқлиги,
Сиз борсиз, билинмас дадам йўқлиги,
Сочингиздаги оқ менинг шўхлигим,
Олтмиш уч ёшингиз муборак бўлсин.

Ҳам таянч, ҳам суянч – отам ўзингиз,
Ёшланмасин такрор қаро кўзингиз.
Чин дилдан қутлайди саккиз қизингиз,
Олтмиш уч ёшингиз муборак бўлсин.

Баъзан ташвишлардан эгилади бош,
Ўпкам тўлиб кетиб, кўзга келар ёш.
Борлигингиз бахтим, қутлар қариндош,
Олтмиш уч ёшингиз муборак бўлсин.

Ҳеч қачон ҳориманг, юрингиз бардам,
Онажон, Ҳажга борайлик биз ҳам.
Жаннатлардан табрик йўллайди дадам,
Олтмиш уч ёшингиз муборак бўлсин.

Ахир мен биттаман, қайга улгурай,
Ҳар дам ёнингизда бел боғлаб турай.
Она, пойингизга бошимни урай,
Олтмиш уч ёшингиз муборак бўлсин.

ЮРАКДАГИ САВОЛ

Қийналаман, таърифингиз тополмайин,
Ғам-ташвишлар эшигини ёполмайин.
Келинг, она, дардингизни мен олайин,
Лаҳза бўлса дардингизни аритдимми?
Шўхлик қилиб сизни эрта қаритдимми?

Пойингизга юмаласа кўз ёшларим,
Ўзимча мен сизга атаб шеър бошладим.
Ярим йўлда қолса қолар тенгдошларим,
Фарзанд бўлиб дардингизни аритдимми?
Шўхлик қилиб сизни эрта қаритдимми?

Юзингизда ажинлар ҳам маржон бўлди,
Қалбингизга орзу эмас, армон тўлди.
Бугун ўйлаб юрагимда савол бўлди,
Фарзанд бўлиб дардингизни аритдимми?
Шўхлик қилиб, сизни эрта қаритдимми?

Уйга келиб йиғлашсалар опаларим,
Сиз қўшилиб йиғладингиз, мен билмадим.
Бу дунёда сиздайин дўст тополмадим,
Фарзанд бўлиб дардингизни аритдимми?
Шўхлик қилиб, сизни эрта қаритдимми?

Болам дея, ёлғизимсан деб, қучдингиз,
Бу дунёда борлигимсан деб, қучдингиз.
Дарду алам шаробини хўп ичдингиз,
Ўғил бўлиб дардингизни аритдимми?
Шўхлик қилиб, сизни эрта қаритдимми?

Сиз отамсиз, сиз онамсиз, ҳам паноҳим,
Хафа қилсам, кечиргайсиз ҳар гуноҳим.
Мени тингла, Яратганим, эй Аллоҳим,
Қувончлари юзларидан аримасин,
Юз ёшда ҳам кулиб юрсин, қаримасин.



БОШ УРГИМ КЕЛДИ

Ортга боқиб, ўйга толдим мен,
Ўз кўксимга тош ургим келди.
Кўзимда ёш англаб хатойим,
Она, пойингизга, бош ургим келди.

Самоларда қоқдим қанотим,
Сиз туфайли гулдир ҳаётим,
Тингланг менинг ўтли баётим,
Она, пойингизга, бош ургим келди.

Бизга ҳаёт завқин бердингиз,
Ҳар лаҳзада болам дедингиз,
Қаршингизда мулзам, чўкиб тиз,
Она, пойингизга, бош ургим келди.

Кулиб турар юздаги ажин,
Тушунаман, жим бўламан жим,
Азоблаган мен бўлмайин ким?
Она, пойингизга, бош ургим келди.

ВАТАН, СЕНДАН КЕТГИМ КЕЛМАЙДИ

Дунёда йўқ сендайин маскан,
Айтган сайин кўнглим тўлмайди.
Дилни бир ўй босгани босган,
Ватан, сендан кетгим келмайди.

Хонадонлар фарзандга тўлиб,
Қўшбешиклар турсин тўрида.
Юртимнинг бир шоири бўлиб,
Ижод қилай қалбим қўрида.

Гарчи бизга саждагоҳ Каъба,
Сажда қилай яна ўзинга.

Баъзан кўриб қиламан тавба,
Тупроғингни сурай кўзимга.

Бу дунёга келган кунимдан,
Сенсан, кўзим очиб қўрганам.
Гўё чиқиб денгиз қаъридан,
Орзуларда хаёл сурганим.

Гуллайвергин, жон Ўзбекистон,
Ёзганларим пешона терим.
Сенга камдир неча бир дoston,
Ёзсам адо бўлмайди шеърим.

Гунча ёзар қалбимда ҳавас,
Шукур дейман сенинг борингга.
Қўйвормагин ҳатто бир нафас,
Мирзабекни босгин бағрингга.

Қўлимга гул тутқазган ўша
Баҳорингдан кечгим келмайди.
Боболарим яшаган гўша,
Ватан, сендан кетгим келмайди.

ТЎЙИНГ МУБОРАК

Дилимни яйратар дилхуш наволар,
Орзулар беланган ўйинг муборак.
Қўлига қаламин олиб Мирзолар
Дейди: Юртим, қутлуғ кунинг муборак.

Эгдилар, букдилар, тикланди қадинг,
Буюк келажак деб ташладинг қадам.
Сен билан қувонар ҳар бир фарзандинг,
Қувончу ташвишинг кўрмоқда баҳам.

Сени севиб ўтди, қон кечди ўғлон,
Соғинч, азоб бўлди унинг ҳамроҳи.

Ватан, деб кўксини этганда қалқон,
Тоғларни йиғлатди жангчининг охи.

Кимларга туш эди бу кунни кўрмоқ,
Тарихга кўз тикиб, дема алҳазар.
Бобонгдан қолган у, яшнаб турган боғ,
Бир бора аслингга ташлагин назар.

Оҳ десам, фалақдан келмоқда садо,
Ватан, юрагимдан қуйилди баёт.
Танамда борлигим бўлмасдан адо,
Кўкка учгим келар чиқариб қанот.

Ҳар бир ниҳолинг кўтармоқда бош,
Қуёшга бўй чўзиб, узатар қўлин.
Буюк сарбон бизга бўлиб замондош,
Очиб бермоқдадир келажак йўлин.

Эй она заминим, тингла сўзимни,
Юлдузлар ошиқар сенинг бўйингга.
Бургутдек сезаман, қара, ўзимни,
Жаҳон йиғилгайдир бугун тўйингга.

БАЛЛИ ЙИГИТЛАР

*Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг
Осиё чемпиони бўлиши муносабати билан*

Мана етиб келди биз кутган фурсат,
Юракларга тўлди илиқ хаяжон.
Ниятимиз юксак – ғалаба фақат,
Қаранг, оппоқ қорга беланди майдон.

Шиддатли ҳужумлар, шиддатли онлар,
Ўзгача ғурурга солди дилларни.
Сабиҳилло, Рустам, ўша Достонлар,
Шод этмоқ истади бу кўнгилларни.

Дастлабки дақиқа – биринчи тайм,
Хурсанд қилди бизни Рустамнинг голи.
Кўрарсиз ҳали кўп вақт ўтмайин,
Жаҳонга танилар ўзбек футболли.

Бутун Осиё кўриб қолдилар-ку лол,
Тарихий воқеа бўлди чиндан ҳам.
Сидиров зарбидан киритилган гол
Рақиб умидига беролди барҳам.

Ғалаба муборак, сизга ғалаба,
Халқимиз севинчдан бошлади байрам.
Доимо интилинг, юрингиз олға,
Кўз ёш тўкиб қолди майдонда Вьетнам.

Ватан мадҳи сизга бўлди тўғиё,
Шоҳ Бобур наслисиз – ўзбек ўғлони.
Ислому бобом руҳи қўлладимиз ё
Ўзбекистон – Осиё чемпиони.

ХАЛҚИМ

Ишонмагин ёлғон сўзларга,
Тик қарама ёмон кўзларга,
Рози бўлгин ошу тузларга,
Олдингдаги биргина ҳаққим.
Хизматингда бўлайин, халқим.

Ҳар юмушда бўлайлик аҳил,
Давраларда сўзлайлик оқил.
Ушбу сўзим қалбингга жо қил,
Олдингдаги биргина ҳаққим,
Хизматингда бўлайин, халқим.

Ҳаловат йўқ ҳар бир кунимда,
Сендан қарзим менинг бўйнимда.
Бир тугунча бордир кўнглимда,
Олдингдаги биргина ҳаққим,
Хизматингда бўлайин халқим.

СЕВИБ ЯШАЙМАН

Дунё кенг, ўлим ҳақ, умр ўткинчи,
Қачондир кетишим сезиб яшайман.
Юрт дея, қон кечган қўллари кадоқ,
Қалби пок халқимни севиб яшайман.
Миллат деб яшамоқ мардларга доир,
Кимга ёқмас сўзим, ким дейди қойил.
Бобурни шоҳ этган, ҳам қилган шоир
Танти феъл халқимни севиб яшайман.
Темурни билган ҳам мана шу халқдир,
Ёвни йўқ қилган ҳам мана шу халқдир,
Ўтса ҳам, кетса ҳам, доим барҳақдир,
Мен шундай халқимни севиб яшайман.
Оламни титратди ўзбек деган ном,
Бизга имкон берди, асл шавкат, шон,
Сен буюк келажак, сен Ўзбекистон,
Деб куйган халқимни севиб яшайман.
Вақт келди, йил ўтди, қайтди аслига,
Яхшилик тилайди ҳар он дўстига.
Кун келар, гул қўйиб қабрим устига
Йиғлаган халқимни севиб яшайман.

ГЎЗАЛ БЎЛСИН

Айланади фалак тоши,
Қўкка етсин инсон боши.
Порлайверсин ой, қуёши –
Осмонимиз гўзал бўлсин.

Ёлғон эмас, сўзлайлик рост,
Инсонликка бўлайлик мос.
Жарангласин дилда овоз,
Виждонимиз гўзал бўлсин.

Енгилмайди Темур насли,
Муҳаббат – бу баҳор фасли.
Такрорланмас ҳаёт асли,
Ҳар онимиз гўзал бўлсин.

Ҳар банда ҳам қилар гуноҳ,
Сажда қилинг, топинг паноҳ.
Юракларда бўлсин Аллоҳ,
Иймонимиз гўзал бўлсин.

Тинчлик боғи яшнаб турган,
Маърифатга бошлаб турган,
Йилдан йилга яшнаб турган,
Ватанимиз гўзал бўлсин.

ВАТАНИМ ПОСБОНЛАРИ

Темурхон насли сизлар,
Ўзбекнинг асли сизлар,
Ватаннинг бахти сизлар,
Ватаним посбонлари.

Сиз бор жойда матонат,
Сиз бор жойда шижоат,
Сизга, дўст, сабру тоқат,
Ватаним посбонлари.

Ватан деб урсин юрак,
Бўлинг ҳар онда сергак.
Сиздайин мардлар керак,
Ватаним посбонлари.



ЎҒЛИНГМАН, ВАТАН

Шодлик дарёсидан кетяпман сузиб,
Кимдан орқадаман, кимдандир ўзиб.
Сенга айтмоқчиман бир собит сўзим,
Мен ҳам битта ўғлингман, Ватан.

Ошаверсин доим юксакка шонинг,
Кўксимга нақш каби ўйилган номинг.
Умри фидо бўлиб кетди, Исломинг,
Мен ҳам битта ўғлингман, Ватан.

Сенга юлдузлар ҳам салом йўллагай,
Хар бир ўғил-қизинг сени ўйлагай.
Навий бобомнинг руҳи қўллагай,
Мен ҳам битта ўғлингман, Ватан.

Сенга меҳр бериб юрганлар қанча,
Сенга посбон бўлиб турганлар қанча.
Сенга нафим тегсин, дейман, заррача
Мен ҳам битта ўғлингман, Ватан.

ЎЗБЕК

Тарихларда боболарим излари,
Парвозга шай ўғлонлари, қизлари.
Йироқларни кўзлар, бургут кўзлари,
Ўзбекдайин марду майдон топилмас.

Зоти унинг Жалолиддин, Темурлар,
Юртлар олган шоҳ ва шоир Бобурлар.
Фарзандлари Ватан деб дов турарлар,
Ўзбекдайин марду майдон топилмас.

Меҳмон келса, меҳри қалбдан тошган ҳам,
Ёшу қари, ҳатто юздан ошган ҳам.
Дастурхонга бор-йўғини сочган ҳам,
Ўзбекдайин марду майдон топилмас.

Сабри кучли, метин каби бардоши,
Неча мингдан ўтиб кетгандир ёши.
Осмонида чарақлайди қуёши,
Ўзбекдайн марду майдон топилмас.

Номус деса ҳатто жондан кечади,
Қалдирғочга кулиб эшик очади.
Қизлари-чи мисоли гулғунчадир,
Ўзбекдайн марду майдон топилмас.

Қўрғонини бузолмайди ҳеч фаним,
Халқим учун фидо бўлсин жон таним.
Эшитибмас, ёздим фақат кўрганам,
Ўзбекдайн марду майдон топилмас.

УНУТИЛМАС ДАМЛАР

Ҳаёт ҳам ўтади чиройли, равон,
Ҳар нарсанинг бордир охир – якуни.
Болалик ўтганига асло ачинманг,
Ёлвориб қайтариб бўлмайди уни.

Ўтди олтин дамлар қўшиқлар айта,
Туткич бермас қушдир ўтган ҳар фурсат.
Хўрсиниб қўяман қайта ва қайта,
Хўрсиниб ўйлайман мен уни фақат.

Болалик ўтаркан қадами илдам,
Лекин тушунмаймиз қадр-қимматни.
Энди бу ёғига бўлайлик бардам,
Қадрига етайлик ҳар лаҳза вақтни.

Унутилмас дамлар, болалик дамлар,
Гоҳо кўзларимни ёшларга белар.
У дамлар қайтарми айтинг, одамлар,
Эсласам, боладай йиғлагим келар.

ЁШЛИК

Қаранг, бугун болалик ҳам ўтиб кетди,
Гулдек орзу-армонларни тутиб кетди.
Кичик сўқмоқ манзилига келиб етди,
Сизга айтсам, эҳ, ёшлик ҳам ўтиб кетди.

Юрар эдик қир адирда суҳбатлашиб,
Беғуборлик кўчасида қўл ушлашиб.
Гоҳ далада мол боқардик чақчақлашиб,
Сизга айтсам, эҳ, ёшлик ҳам ўтиб кетди.

Бир кам дунё ғам-ташвишдек туйилади,
Гоҳ ғурбатдан кўзингга ёш қуйилади.
Гўё юрак тенг иккига бўлинади,
Сизга айтсам, эҳ, ёшлик ҳам ўтиб кетди.

Ташлаб кетар экан рангинг сомон экан,
Ёшлик бир ён, катталиқ бир томон экан.
Такдир экан, ортга қайтмас армон экан,
Сизга айтсам, эҳ, ёшлик ҳам ўтиб кетди.

ОШИҚ ҚИЛДИНГИЗ

Дардимни айтаман энди фалакка,
Бир назар ташлангиз биздай ҳалакка.
Кўзларим нигорон фақат сиз томон,
Раҳм айланг, гулим, бемор юракка.

Ўтдингиз, ёнимдан мулойим боқиб,
Дилгинамга ишқдан оловлар ёқиб.
Биздай йигитларни хаёлин олиб,
Ошиқ қилдингиз-ку, қошингиз қоқиб.

Бевафо бўларкан сиздай санамлар,
Дилимизда қолдирар қайғу-аламлар.

Жавобин ёзаман десангиз агар,
Қўлингизда синар неча қаламлар.

Пойандоз бўлайин йўлингизга мен,
Қачон кўринаман, кўзингизга мен,
Керак бўлса, жоним бахшида этай,
Севаман, деб, айтган сўзингизга мен.

ЁШ ЭКАНСИЗ

Қанча вақтлар ўтиб кетди,
Дилни хижрон ютиб кетди.
Орзу, армон тутиб кетди,
Лек юракдан кетмадингиз.

Бир оҳ урсам осмон йиғлар,
Ер билан тенг ҳазон йиғлар.
Дардим ёлғиз Аллоҳ билар,
Севганим, сиз, билмадингиз.

Ўтди ширин давронларим,
Қолди фақат армонларим.
Борми яна имконларим,
Изҳоримни сезмадингиз.

Билдим, ҳали ёш экансиз,
Гўзал қаламқош экансиз,
Бунча бағритош экансиз,
Мирзабекни кўрмадингиз.



БЕГОНАСИЗ

Юрагимга ўтлар ёқиб тарк этдингиз,
Қай манзилга энди бориб сиз етдингиз.
Бир бор менга хайр демай жим кетдингиз,
Нима қилай, энди менга бегонасиз.

Ишқ азобин солиб менинг бошларимга,
Бепарвосиз, оққан дарё ёшларимга.
Қийнайверманг, кирманг сира тушларимга,
Нима қилай, энди менга бегонасиз.

Неларнидир сўзлар бугун нигоҳингиз,
Бутун умр бўлай дердим, ҳамроҳингиз.
Сой бўйида бир мажнунтол гувоҳимиз,
Нима қилай, энди менга бегонасиз.

Ногоҳ тўкнаш келса бизнинг кўзларимиз,
Қай манзилдан юрмоқликни изланамиз.
Жаранглайди дил тубида сўзларимиз,
Нима қилай, энди менга бегонасиз.

СИЗ – ЎШАМИ?

Йўлларимга гуллар тутган,
Сиз ўшами, қўллар тутган,
Ох, бунчалар тез унутган,
Сиз ўшами? Сиз ўшами?

Оху кўзли, кўзи жайрон
Ошиқлар ҳам қолар хайрон.
Ҳар боқиши куйдирмажон,
Сиз ўшами? Сиз ўшами?

Ишқингизда ёнай, майли,
Учраштирайсиз севги сайли.

Хавас қилган Ширин, Лайли,
Сиз ўшами? Сиз ўшами?

Сиз ўшами олам билган,
Юракларга ўтлар солган,
Мирзабекни шоир қилган,
Сиз ўшами? Сиз ўшами?

Келар сиздан райҳон иси,
Уялади ойнинг ўзи.
Гўзал нозли ўзбек қизи,
Сиз ўшами? Сиз ўшами?

ЙИҒЛАБ ҚОЛАСИЗ

Сизга ҳеч ёқмади айтган сўзларим,
Дунёда сиз каби ёрни изладим.
Билсангиз ёлғонмас, ростни сўзладим,
Чидолмай бағрингиз тифлаб қоласиз,
Ортимдан бир куни йиғлаб қоласиз.

Гул билан безадим кўлингизни мен,
Интизор кутгандим йўлингизни мен,
Юракдан сўйгандим ўзингизни мен,
Сиз ҳали ўзимни излаб қоласиз,
Ортимдан бир куни йиғлаб қоласиз.

Бугун сиз тушимда йиғлатдингиз-ку,
Ошиқни қанчалар бўзлатдингиз-ку,
Ер қолиб фалакни излатдингиз-ку,
Соғиниб мени ҳам излаб қоласиз,
Ортимдан бир куни йиғлаб қоласиз.

Сиз билан йўлимиз бошқа-бошқадир,
Энди ўзгармайди, тақдир, бу – тақдир.
Аламдан қуйилган кўз ёшлар тахир,

Ошиқлар қалбини доғлаб қоласиз,
Ортимдан бир куни йиғлаб қоласиз.

Кечдингиз, мен сиздан кеча олмасман,
Сиздан ўзга қизга дил очолмасман.
Тақдир экан сиздан мен қочолмасман,
Мен ҳақимда бир зум ўйлаб қоласиз,
Ортимдан бир куни йиғлаб қоласиз.

Майсани қучгандек баҳор ёмғири,
Шу бир кам дунёдан кетсам охири,
Билинг бу шоирнинг хайр-маъзури,
Афсусдан бағрингиз тиглаб қоласиз,
Ортимдан бир куни йиғлаб қоласиз.

БАХТЛИМИСИЗ

Пушаймонман севганим айтиб,
Наҳот энди келмайсиз қайтиб.
Хазонларда юрибман дайдиб,
Бахтлимисиз, менсиз, азизим?!

Муҳаббатнинг уйи ҳувиллаб,
Қўнгил кетди, бир сизни излаб.
Юрак ёнди, гоҳ қолди музлаб,
Бахтлимисиз, менсиз, азизим?!

Айро бўлдик бугун иккимиз,
Охирлади бизнинг севгимиз.
Оқибатда мен қолдим ёлғиз,
Бахтлимисиз, менсиз, азизим?!

Айро қилди бевафо ул ким
Севгимизга қилдилар ҳужум.
Нима учун жим турасиз, жим,
Бахтлимисиз, менсиз, азизим?!

Пушаймонман айтиб севганим,
Кўзим очиб илк бор кўрганим.
Фақат сизни, сизни деганим,
Бахтлимисиз, менсиз, азизим?!

АЛВИДО, ЁР

Хар қадамда учратаман бир гўзални,
Қандоқ қилай, кўксимдаги дардисарни.
Ураверар, тепаверар, кўксимга у
Пайдо бўлди дилимда бир сўнмас туйғу.

Паривашнинг юрар йўли тош кўчадир,
Ўзгаларга ўхшамайди, бошқачадир.
Ўзим бориб тўсар эдим йўлларидан,
Бир умрга тутар эдим қўлларидан.

Ярашади кокиллари ўзига бир,
Мен тўпори ошиқаман сўзига бир.
Шундоққина ёнгинамга келиб дилдор,
Юрак ютиб севгисини этса изҳор.

Чин юракдан севган ошиқ мен бўламан,
Хар гал ўтса, юзларига термиламан.
Қайда бўлсанг бахтинг топгин кўзи хумор,
Бизлар қайтиб учрашмасмиз, алвидо, ёр.

Шеърларимни ўқиб кўзинг ёшланмасин,
Юрак қурғур янги дардни бошламасин.
Хафа бўлма, қуёш каби чарақлагин,
Мирзабекни соғинганда варақлагин.

СОҒИНСАМ

Бир кам дунё бўлмаскан бут,
Бошим узра сузар булут.
Сизни эслаб хандон кулсам,
Ғам-ташвишлар бўлар унут,
Нима қилай, гар соғинсам.

Ҳар қадамда ёдимдасиз,
Шундоққина ёнимдасиз.
Сизга ошиқ ўзим бўлсам,
Юрагимда, қонимдасиз,
Нима қилай гар соғинсам.

Ташлаб мени фироқларга,
Кетдингизми йироқларга.
Яшолмасман бир кўрмасам,
Борай энди қаёқларга,
Нима қилай гар соғинсам.

УВОЛИМИЗ ТУТМАСМИКАН

Узр қўлим тегиб кетди қўлингизга,
Йўл топсайдим нозиккина кўнглингизга.
Мен ошиққа жабр қилманг ҳаддан ортиқ,
Оқшомлари зор айламанг йўлингизга.

Қўл ушлашиб юрамизми бир йўлакда,
Ишқингизда ёнган кўнгили дил ҳалакда.
Сўнги бора кўрмай туриб ўзингизни,
Сўз кидирсам топилмайди тор юракда.

Қўчангиздан неча ўтдим сизни пойлаб,
Бир кўрмасам кетолмайман кўнгили жойлаб.
Бу севгими, муҳаббатми билолмасман,
Қўйдингиз-ку ўзингизга ипсиз бойлаб.

Рашк қиламан шамол тегса юзингизга,
Тик қараб, сўз айтолмасман кўзингизга.
Йироқлашиб кетманг, моҳим, йироқлашиб,
Мен нетарман соя эдим изингизга.

Қўл тегмаса-тегмасин шу қўлингизга,
Сўзим малол келмасин ҳеч дилингизга.
Бир кун келиб уволимиз тутмасмикан,
Мирзабекни зор айлабсиз йўлингизга.

МУҲАББАТ

Ишқда девона бўлдик,
Гоҳо ҳайрона бўлдик,
Бугун бегона бўлдик,
Армон бўлди муҳаббат.

Гулни тикан этдик биз,
Севги шуми, дедик биз.
Бошқа-бошқа кетдик биз,
Ҳайрон бўлди муҳаббат.

Сен қоракўз малагим,
Борми сенга керагим.
Эзиб кетдинг юрагим,
Хазон бўлди муҳаббат.

Қолди дилим озорда,
Гоҳ чўлда, гоҳ гулзорда.
Бугун севги бозорда,
Арзон бўлди муҳаббат.

Сен осмонда моҳ бўлдинг,
Ўзгага ҳамроҳ бўлдинг.
Дилда қотган оҳ бўлдинг,
Осмон бўлди муҳаббат.

Нима деб шеър ёзайин,
Ваъдалар ҳам бетайин.
Билмадим бу қандайин
Замон бўлди, муҳаббат.

СОФИНАСИЗМИ

Юрагингиз йиғласа ишқдан,
Гоҳ музласа қаҳратон қишдан,
Гўзаллардан авайлаб рашқдан
Сиз ҳам мени соғинасизми?

Бўлиб кўкда ойнинг ҳамроҳи,
Эй, гўзал қиз, малаклар моҳи.
Кўзингизга ёш олиб гоҳи,
Сиз ҳам мени соғинасизми?

Баҳор сизни қизғонганида,
Боғда гуллар уйғонганида.
Сизни ёмон соғинганимда,
Сиз ҳам мени соғинасизми?

Саволим бор сизга биргина,
Тураверманг фақат биргина.
Сиздан такрор сўрайман яна,
Сиз ҳам мени соғинасизми?

Ишқ бир томон, висол бир томон
Вақт ўтади келиб бир замон.
Йўлларига бўлиб нигорон,
Мирзабекни соғинасизми?



СЕВДИМ

Кимдирлар севади бир гўзал қизни,
Кўзлари чаросу юзи қирмизни.
Асло бағритош деб ўйламанг бизни,
Мен севсам, дуогуў онамни севдим.

Артмоққа шай турар юлдузлар ёшим,
Ёритмоқ истадим қалбнинг қуёшин.
Юракнинг бир четин урса ҳам яшин,
Камолим кўрмаган отамни севдим.

Кимлардир юртим деб жонин беради,
Кимдир болам дея бағрин тилади.
Менинг севганимни ҳамма билади,
Мен севсам, бетакрор Ватанни севдим.

Ёнимдан ўтади бўлиб бепарво,
Бир чимдим меҳрини кўрмади раво.
Хар бир нигоҳидан ахтариб маъно,
Адашиб бевафо гўзални севдим.

Баҳорда эшитар булбуллар дардим,
Уларга қўшилиб қўшиқ айтардим.
Гоҳи суриб қўйиб бир четга барин,
Мен севсам, сайр этар чаманни севдим.

ОЛИСЛАБ КЕТДИНГ

Мен сени севаман, дея кутгандим,
Муҳаббат тўсатдан калтаклаб кетди.
Ўшал он ўзни ҳам унутган эдим,
Шамол қўлларимдан етаклаб кетди.

Сенинг бахтинг аниқ, йўлларинг равон,
Ёлғиз ўзим қолдим ярим йўлда жим.

Хаёт сўқмоқлари этмоқда давом,
Олам жумбоғига жавоб берар ким.

Хаёт алдоқчидир, тақдирми ёки
Ажиб туйғуларни ҳазилга йўйди.
Кўксимда муҳаббат мудрайди балки,
Юрак ҳам ўзини ўйламай қўйди.

Ўзим ҳам ўзимни унутганим рост,
Аmmo муҳаббатга ошно юрагим.
Хечам танҳоликка қилмайман ҳавас,
Севги шаробига ташна юрагим.

Мен сени севаман, дея кутгандим,
Бир оғиз сўзимга аразлаб кетдинг.
Юрагим тўрини ҳады этгандим,
Ҳатто муҳаббатдан олислаб кетдинг.

РОСТ СЎЗЛАДИМ

Сиз билан бахт йўлларидадан ўтганим рост,
Сизни дея, ҳатто жондан кечганим рост.
Энди бошқа гўзалларга боқмайман деб,
Бир сўз билан аччиқ қасам ичганим рост.

Сизни хафа қилганим рост, билганим рост,
Дилингизни ханжар мисол тилганим рост.
Оқшомлари тун кўнглингиз ёритмоқ-чун,
Офтоб каби нурлар сочиб келганим рост.

Бугун дардим айтиб қолдим ялпизларга,
Бир сўзим бор бевафо, ул шўх кизларга.
Биз томонга тошлар отиб кетдингизми,
Бир кун келиб зор бўлгайсиз сиз бизларга.

Рост сўзладим, сўзларимнинг ёлғони йўқ,
Айтганларим айтиб бўлдим, қолгани йўқ.
Не бўлса ҳам айтганларим ўйлаб кўринг,
Аллоҳ бекор юрагимга солгани йўқ.

ҲАЁТ – ИМКОН

Мен дунёга не учун келдим,
Билолмасман қалбимда тугун.
Нима учун югуриб елдим,
Ушбу савол қийнар қуну тун.

Дунё шундай орзу-армонли,
Ҳеч кўрмадим қалби бутунни.
Ҳаёт шуми диллар озори,
Ечолмасман ушбу тугунни.

Не кимсалар ўтдилар шодон,
Сўнг кетдилар очиқ қўллари.
Йиғилишиб катта оломон,
Кўрсатдилар сўнгги йўлларин.

Бир пайтлари узатса қўлин,
Етар эди хатто ойга ҳам.
Қариндошлар кийдилар тўнин,
Сигмай қолди уйга, жойга ҳам.

Ҳаёт нима энди билдимми,
Вақт бермаскан кўзинг очгани.
Мен дунёга шунга келдимми,
Ҳеч имкон йўқ ташлаб қочгани.

То бор экан танамда жоним,
Шу юртни деб ёниб яшайман.
Сўнгги қуним, сўнгги ҳар оним,
Жонимни ҳам бермоққа шайман.

Инсон ўтар ҳаётин яшаб,
Кимга эртак, кимгадир эрмак.
Инсон учун берилган ҳаёт,
Бир лаҳзалик «имкон»дир демак.

О, ҲАЁТ

О, ҳаёт, бунчалар синовларинг кўп,
Баъзида ўзимдан ўгираман юз.
Ватан деб, урмаса, куймаса юрак,
Сен дея бўй чўзган томиримни уз.

Сочларим тўзғитар, ўйнайди шамол,
Атрофда шу қадар кўпдир парвонанг.
Манзиллар охирлаб, бўлар ёнма-ён,
Мен эса шунчаки сенинг девонанг.

Хаёлда кўкдаги юлдуз бўлса ҳам
Бизни ардоқлайди шу она тупроқ.
Эй синглим, тўхтама орзу йўлидан,
Қуёшдан баҳра ол, жилға бўлиб оқ.

О, ҳаёт, шунчалар тотлимисан, айт,
Дилдаги дард билан бўлмайди ишинг.
Қаршингда тиз чўқар инсонлар бари,
Нақадар шириндир ғаму ташвишинг.

О, ҳаёт, бунчалар чигалмисан, айт,
Безаги эурсан бир кам дунёнинг.
Тушуниб-тушунмай турганимда жим,
Охирига етар умрим поёни.

МЕНИ ҲЕЧ КИМ ТУШУНМАЙДИ

Гоҳида куйлаб йиғладим,
Юрак бағримни тигладим,
Не бўлди, нима, билмадим,
Мени ҳеч ким тушунмайди,
Кўкда юлдуз тушунгайдир.

Гулзорларда гуллар тердим,
Бевафога кўнгил бердим,
Бир бор мени тушун, дердим,
Мени ҳеч ким тушунмайди,
Бир қора кўз тушунгайдир.

Ўзни ким деб танитаман,
Дилда дардим унутаман,
Дардимни кимга айтаман,
Мени ҳеч ким тушунмайди,
Ёз эмас, куз тушунгайдир.

Тунда ою юлдуз терган,
Суйганига борин берган,
Ўлгунимча севдим деган,
Мени ҳеч ким тушунмайди,
Ўша гулюз тушунгайдир.

Юрагимда дарду алам,
Гоҳ ожиздир қўлда қалам,
Қай томонга ташлай қадам,
Мени ҳеч ким тушунмайди,
Дили маъюс тушунгайдир.

КУЙИНМА

Сен дунё ортидан қувма, биродар,
Асли дунё биздан қолиб кетади.
Отилган ўқ мисол илдамлаб кетар,
Бирма-бир бизларни олиб кетади.

Сен дунё ортидан қувма, биродар,
Қолдирмоқ истагил ўзингдан бир из.
Билиб қўй, яхши от шошилмай чопар,
Барчаси аёндир тангрига ёлғиз.

Ҳеч қачон қуйинма, ўткинчи бари
Қўнгилга армонлар солиб кетади.
Умр ҳам ёқилган бир шам сингари,
Чечаклар ҳам бир кун сўлиб кетади.

Сен дунё ортидан қувма, биродар,
Дунё қўлин ҳеч ким тута олмаган.
Югуриб чопсалар ҳатто шу қадар,
Одамзод дегани ета олмаган.

ТУН

Юрагимни майдалайди тун,
Бошимда нур сочиб турар ой.
Осмон таскин бермоқлик учун
Юлдузлардан берар менга жой.

Агар борсам фалақда кимман,
Бир зарраман, лек эмас юлдуз.
Хаёл олар тонггача жимман,
Яна ўзим қоларман ёлғиз.

Ҳисларимни нимталар шамол,
Қоронғилик қамчилар отин.

Юрак ундан беркиниб дарҳол,
Чиқиллатар яна соатин.

Қаро тунда кўзларим мудраб,
Орзуларга чўмилар қалбим.
Ҳатто йиғлар қўлимда титраб,
Шеър ёзолмас ожиз қаламим.

Мана, қаранг, тонг ҳам отибди,
Орзу, армон мени тинч қўймас.
Билсам, ёшим қирққа етибди,
Орзуларни қўйворгим келмас.

Ёшлик ўтар, сочга тушар оқ,
Оқ қоғозга дардим тўкилар.
Қайсидир бир даврада бироқ
Ушбу ёзган шеърим ўқилар.

ЎЗИНГИЗ УЧУН

(Аёлларга)

Отам дейсиз, гоҳ эса онам,
Гоҳ яшайсиз қизингиз учун.
Юзда кулги, кўзингизда нам,
Бир бор яшанг ўзингиз учун.

Болам дея яшайсиз фақат,
Синовларга қилгайсиз тоқат.
Ҳамроҳингиз бўлиб муҳаббат,
Бир бор яшанг ўзингиз учун.

Аллангиздан ухлар кўкда ой,
Юлдузларга тўшар нурдан жой.
Ёрингизга бўлиб эркатой,
Бир бор яшанг ўзингиз учун.

Пахта териб гоҳи далада,
Қўл бешикда ярим паллада.
Мингта хаёл, минг ўй каллада
Бир бор яшанг ўзингиз учун.

Баъзан ботир юрак бўлдингиз,
Хам аёл, ҳам эркак бўлдингиз,
Бизга ҳар дам керак бўлдингиз,
Бир бор яшанг ўзингиз учун.

Жим туради бошда оқ рўмол,
Минг йил ортга боқади хаёл.
Эй онажон, муқаддас аёл,
Бир бор яшанг ўзингиз учун.

Маъюс боқиб қизим, боламга,
Таъзимдаман бугун онамга.
Сиз-ла келдим ёруғ оламга,
Бир бор яшанг ўзингиз учун.

Ўтдингиз гоҳ баланду пастдан,
Дилда орзу тугаб битмасдан.
Умрингиз ҳам ўтиб кетмасдан,
Бир бор яшанг ўзингиз учун.

ОРЗУЛАР ОЛИБ КЕЛ

Баҳорда майсалар кўтарар бошин,
Булутлар ёқимли, сочар кўз ёшин.
Бодомлар гулида ўзгача виқор,
Қалбимга орзулар олиб кел, баҳор.

Бир бор ушламадим қўлин санамни,
Ўн тўртимда кўмиб келдим отамни.
Юрагимда буюк армонларим бор,
Қалбимга орзулар олиб кел, баҳор.

Гўзал орзуларда юргандим кулиб,
Минг марта тирилиб, минг бора ўлиб.
Дунё бунча кенгдир, бунчалар ҳам тор,
Қалбимга орзулар олиб кел, баҳор.

Лолақизғалдоқнинг бағри ҳам доғдир,
Юрак хаста бўлса вужудим соғдир.
Ўтинчим йўлингга қилма интизор,
Қалбимга орзулар олиб кел, баҳор.

ҚУЁШ БОТДИ

Қуёш ботди, қўлимда қалам,
Сен кўриндинг кўкда ой бўлиб.
Юрагимда яшайсан ҳар дам,
Бир умрга эркатой бўлиб.

Ой ёритар оламини шу дам,
Ботиб кетди қуёш ҳам изсиз.
Дил ёришмас қалбимда алам,
Зулмат ичра қолдим мен ёлғиз.

Дил эшигин чертар юлдузлар,
Дарвозасин бузмоқда осмон.
Ошиқ диллар бир-бирин излар,
Топмоқ эса эмасдур осон.

Ой таратган заррин нурлардан,
Ишқ олади беркиниб нафас.
Дил висолни топар қайлардан,
Кеч бўлмасдан кўришсин бирпас.

Астагина кулиб чиқди ой,
Юлдузлар ҳам кулиб қаради.
Ёнларидан бериб менга жой,
У ҳам мендан сени сўради.

ИШОНМА...

Каршингда дўстман деб, кулиб туради,
Ортингдан юзини буриб туради,
Сен юрган давралар тўлиб туради,
Ҳеч кимга ишонма, Аллоҳдан бошқа.

Дўстим деб, Ҳақ йўлда қасамлар ичсанг,
У сенга шерикдир самога учсанг.
Қўлингдан тутмайди қўлингни чўзсанг,
Ҳеч кимга ишонма, Аллоҳдан бошқа.

Нодонга тушса-да бир кун ишинг,
Ҳечам тушунмайди сенинг ташвишинг.
Қун келиб тегади деворга бошинг,
Ҳеч кимга ишонма, Аллоҳдан бошқа.

Бу ахир ҳаётдир, синовлари бор,
Бирда таниш, бирда бировлари бор,
Баъзида дўстнинг ҳам чин ёвлари бор,
Ҳеч кимга ишонма, Аллоҳдан бошқа.

ЁЛҒОН ДУНЁ

Бу дунё бир ёлғон дунё, рости у ёқ,
Ўткинчи бу ҳаётни қўй эшит, ўртоқ.
Аллоҳ билар, қачон келар имтиҳон кун,
Тарафкаш йўқ, ўзи учун ҳар ким ҳар ёқ.

Шундай экан ўйлаб босгин қадамингни,
Қадрига ет яхши-ёмон ҳар дамнингни.
Ўзгаларга сочма сира аламингни,
Бир кун сени қийнагайдир алам, фироқ.

Чўпчак эмас, ҳаммаси рост, Ҳақ айтгани
Кечиргайдир карами кенг Яратганим.

Гоҳ йиғлатиб, гоҳи хиром айлатганим
Сен одамини сиртигамас, қалбига боқ.

Ўша кунни билингайдир инсон асли,
Қиёматда тирилгайдир одам насли.
Насиб этсин, барчамизга Тангри васли,
Сенга сўзим: бўлгин огоҳ, бўлгин огоҳ.

КИМГА ИШОНДИМ

Ёмон кўрса, майли, бугун дўстларим,
Майли, кўрарга ҳам топилмасин кўз.
Кимдир тушунар-ку бир кун ҳисларим,
Мен кетарман, лекин синмас тўғри сўз.

Майли, эшитмасин, солмасин қулоқ,
Кўп ёлғон сўзларни айтсин ҳаққимга.
Ўйласам ўртанар қалбимда титроқ,
Ҳақиқатни айтиб ўтгум халқимга.

Кимга ишондим-у, ким учун ёндим,
Фақат ҳақиқатни сўзладим равон.
Гоҳида халқим деб ўзимдан тондим,
Менсиз ҳам бу ҳаёт этади давом.

Мендан ҳам кейин мендан-да ўктам,
Бир йигит келади тушиб даврага.
Ўшанда ёлғонлар топади барҳам,
Сингишиб кетади бўшлиқ қаърига.



ТУЙҒУЛАР

Юракда шаркираб оққан туйғулар,
Бирма-бир тошларга урар ўзини.
Гоҳида йиғлайди, гоҳида кулар,
Равшанроқ этади қалбнинг кўзини.

Юракда барқ уриб оққан туйғулар,
Ненидир сўзлайди юрак тубида.
Баъзида дадамни эслатса улар,
Мухтожлик сезаман ўзим ўзимда.

Юракка муҳаббат солган туйғулар,
Ўксик бу қўнғилга беринг тасалли.
Гоҳ дийдор, гоҳ хижрон бериб урғулар,
Сочингга оқ қадаб кетади бари.

Юракка ўт қалаб ёққан туйғулар,
Кўксимга сиғмайсиз негадир бугун.
Самода янграйди гўзал кулгулар,
Бир сирни айтади кимгадир бугун.

Кўзимда ёш бўлиб оққан туйғулар,
Сиз ила ёзилар гўзал баётим.
Мирзабек сизларни доим улуглар,
Билинглар, сиз билан мангу ҳаётим.

Бағри қон юракка сиққан туйғулар,
Қора қилар бир дам оппоқ қоғозни.
Бу оқшом қаламдан тинмай қуйилар,
Тингламас мунгли бир сўзлаган созни.

Дилимга малҳамдай ёққан туйғулар,
Кўксимда уйғонинг, тўлиб-тошингиз.
Сизларга муштарак бўлар чолғулар,
Келинг, ҳузуримга мудом шошингиз.

ШЕЪР ҲАҚИДА

Дилдан жўшиб яна ёзмоқдаман шеър,
Ненидир ёз дейди юрак кўксимда.
Гўёки ундайди Бобом Алишер,
Дуо қилиб дейди, – болам, ўксима.

Шу сабаб ижодга шўнғидим алас,
Юракдан тўкилди, сўзлар томчилаб.
Шеър ёзиш иш эмас, илҳом келса бас,
Вақт эса кетмоқда отин қамчилаб.

Чорлайман сўзларни қўлидан ушлаб,
Қалбимга қулоқ тут дерман бирма-бир.
Баъзилари кетар бошимга муштлаб,
Гоҳида кулишар сўзлар қурмағур.

Оқшомда ёзмоқни бошласам гоҳо,
Наҳорда тугайди шеърларим сатри.
Уларга берилар энг юксак баҳо,
Мухлислар қалбидан жой олса бари.

ЎЗИНГ ЙЎЛ КЎРСАТ

Хаётга мустақил мен қўйдим қадам,
Ёнимда бўлсайди раҳматли дадам.
Ўттизга кирмайин сочга оқ тушди,
Ўзинг йўл кўрсатгин, Яратган Эгам.

Азоб саҳросида қолмасдан ёлғиз,
Сўз демаса ҳеч ким ҳатто бир оғиз.
Синовлар олдида тураман ожиз,
Ўзинг йўл кўрсатгин, Яратган Эгам.

Кимга ҳақ сўз айтиб қолдим балога,
Орзу юдузларим сифмас самога.

Ўзинг айт қаерга борай даъвога,
Ўзинг йўл кўрсатгин, Яратган Эгам.

Халқ учун не бўлсам фақат мен бўлай,
Гуноҳкор бўлмайин савоб иш қилай.
Сўнгги тилагимни ўзингдан сўрай,
Ўзинг йўл кўрсатгин, Яратган Эгам.

Ўйлайман, ўйларим етмас ўйимга,
Йиғилса бутун халқ бугун уйимга.
Берсалар баҳоим қараб бўйимга,
Ўзинг йўл кўрсатгин, Яратган Эгам.

МУСИБАТ

Интиқиб кутганинг келмаса алам,
Юракдан севганинг билмаса алам.
Дунёда билсангиз катта мусибат,
Шоирнинг қўлида синмасин қалам.

Боридан айрилиб йўлда қолса ҳам,
Томоғи қақраб чўлда қолса ҳам,
Илҳомнинг париси жонин олса ҳам,
Шоирнинг қўлида синмасин қалам.

Орзу осмонида қора булут жим
Ижод юлдузига қилса-да ҳужум.
Бошда турадилар оломон гавжум,
Шоирнинг қўлида синмасин қалам.

Оқибатни солиб инсон ёдига,
Анча қийин бўлар шоир зотига.
Маҳкам ўтирволиб ёғоч отига,
Шоирнинг қўлида синмасин қалам.

Ёзмоқдан толиқса қўллари бир кун,
Ижод осмонида ўрласа тутун.

Ёлвориб сўрайман Аллоҳдан шу тун,
Шоирнинг қўлида синмасин қалам.

Дўстларим, шеърим ҳам борар охирлаб,
Ёзмадим ўзгани сўзин ўғирлаб.
Шеърдан дармон топсин дарди бағирлар,
Шоирнинг қўлида синмасин қалам.

ОПАЛАРИМ

Ота уйи энди сизга интизордир,
Олдингизда кўпдир менинг хатоларим,
Юзингизга айтолмайин дил ёнадир,
Соғинчлари кўзда дарё, опаларим.

Сиз келсангиз дилдаги дард куй бўлади,
Бир чақалоқ улғаяди, бўй бўлади,
Гар йиғилиб келсаларинг тўй бўлади,
Ҳамроҳлари ибо, ҳаё, опаларим.

Соғинчим фақат сизга айтадурман,
Кел десангиз, қайда бўлсам қайтадурман,
Сизлар саккиз нафар, мен-чи биттадурман,
Дунё тургунича туринг, опаларим.

Бошга ташвиш тушганида кулмайдиган,
Азоб чексам юрак-бағрин тиглайдиган,
Мен ҳам чексам мен билан бир йиғлайдиган,
Соғинчлари кўзда дарё, опаларим.

Опаларим бўлди доим менга паноҳ,
Ёлғиз армон – ота дея чекдилар оҳ.
Умрини бер, бахтини бер, тингла, Аллоҳ,
Соғинчлари кўзда дарё, опаларим,
Тургунича туринг дунё, опаларим!

ҚИЗҒАЛДОҚ

Гулим сенга ким солди рахна,
Озор берган қайси нотавон.
Ҳаёт, билсанг, катта бир сахна,
Томошабин эрур оломон.

Шунча ситам қайдан яралди,
Ташвишлардан бошгинанг эгик.
Тоғлар аро бир сас таралди,
«Биз мухаббат шайдоси эдик».

Кеча гуллаб очилиб турган,
Масканинга тананг бўлди жо.
Тақдир дея бизга буюрган,
Яратганга қилдим илтижо.

Сен билан биз қирда учрашдик,
Эслагулик азиз чоғи бор.
Иккимизда битта ўхшашлик,
Қалбимизнинг ўчмас доғи бор.

Сенсиз кимга бордир керагим,
Сендан қўнглим узаман қандоқ.
Гулим, сенга ёлғиз тилагим,
Умринг узоқ бўлсин қизғалдоқ.

БАҲОРНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

Шу бугун баҳорнинг биринчи куни,
Илк бор кўришганим ёдимга тушди.
Мавжланиб бормоқда ҳаёт тўлқини,
Ҳаёл кабутарим осмонга учди.

Билмадим, хаёлим қайга етаклар,
Билмадим, неларни излар самодан.

Ёдимда ҳалиям гўзал эртақлар,
Тўйиб нафас олгум тоза ҳаводан.

Қушларнинг қўшиғи дил ёритади,
Йиртиб ташлағудек юрак пардасин.
Қалбда ҳис-ҳаяжон яна ортади,
Юраклар севишдан ҳеч қаримасин.

Ўз-ўздан ёзмокқа тушар қаламим,
Қўксида тугамас асло сиёҳи.
Кундан-кун яшнайти гўзал Ватаним,
Минг дардга даводир ҳар бир гиёҳи.

Қуёш нигоҳини қадар майсага,
Севинчдан қўтарар мағрур бошини.
Бугун баҳор келди, қизлар эртага
Ўсмага безайди қалам қошини.

Шу бугун баҳорнинг биринчи куни,
Илҳом қалб дафтарин варақламокда.
У мени кутганди, мен эса уни
Манглайда иқболим чарақламокда.

Шу бугун баҳорнинг биринчи куни...

МУВАШШАҚ

(Зулфияхонимга)

Замин узра таралди бугун
Умид ила ёзилган шеърлар.
Лол қолдириб жаҳонни бутун,
Фалак узра учамиз дерлар.
Ишонамиз, Зулфия номи
Яшагайдир дилларда мангу.
Хониш этар булбуллар гоҳи,
Олисларда чалинар чолғу.

Не бўлса ҳам юраклардасиз,
Инкор бўлмас тилаклардасиз,
Муҳрланган қалбларда туйғу.

ШОИРЛАР

Гоҳо дўст бўлса ҳам дардин билмайди,
Борида ҳеч кимса қадрин билмайди.
Ахир ким ўзга деб бағрин тиглайди,
Билсангиз, шоирлар дилда ўлмайди.

Бир келди-ю кетди Муҳаммад Юсуф,
Эзгулик куйини бўлмайди тўсиб.
Ортидан шогирдлар келмоқда ўсиб,
Билсангиз, шоирлар дилда ўлмайди.

Унинг байтларида минг жило, минг тус,
Ҳеч давра ўтмайди билсангиз, усиз,
Қадрига етинглар, лек деманг афсус,
Билсангиз, шоирлар дилда ўлмайди.

Ҳар даврада ўқир шеърларин жўшиб,
Ёздилар мисрага дардини қўшиб.
Бир қуни шеърлари бўлади қўшиқ,
Билсангиз, шоирлар дилда ўлмайди.

Маскани тоғ-адир ёки далами,
Дилида бўлмайди асло алами.
Шогирдлар қўлида синмас қалами,
Билсангиз, шоирлар дилда ўлмайди.

Ҳар неки биласиз, Аллоҳим ҳакам,
Оталар дейдилар, бўлма элдан кам.
Сиз бугун қайдасиз, эй Малик Эгам,
Билсангиз, шоирлар дилда ўлмайди.

Шоирлар муҳаббат измини ёзар,
Хеч кимга айтмаган сўзини ёзар,
Аслида ҳикматнинг ўзини ёзар,
Билсангиз, шоирлар дилда ўлмайди.

ЯНГИ БИР ТАРИХ

Баҳоринг кўнглимни ёритар, юртим,
Орзулар жилмаяр бодом гулида.
Васлингга етмоқлик учун югурдим,
Муҳаббат йўлида, ишқнинг йўлида.

Хуснингга тикилиб асло тўймасман,
Оғирлик қилмасин менинг нигоҳим.
Юртимни асра деб тилдан қўймасман,
Ахир бандангман-ку, битта Аллоҳим.

Шаббоданг тортқилаб қочар елкамдан,
Яна сеза бошлар қуёш тафтини.
Кўзларим қувонар баҳор, ўлкамдан,
Бойчечак қўлимга тутар кафтини.

Ажиб бир хаёлга чўмилар одам,
Хуш келдинг, баҳор деб, бўлар хайкириқ.
Куз ўтиб қиш келиб тугаган шу дам,
Бошланар ўлкамда янги бир тарих.

Шу асно ўтади инсон ҳаёти,
Умрининг ҳам бўлар ёзи, баҳори.
Баҳорида куйлар қўшиқ, баёти,
Ажиб бир шеър бўлар туйғулар бори.



ЎЗБЕК АЁЛИ

Куюниб яшайди Ватан битта деб,
Меҳнатдан тинмайди бўлсин ҳалоли.
Ҳечам йиғламагин жоним қирқта деб,
У менинг онамдир – ўзбек аёли.

Фаришта мисоли тоза дил улар,
Гоҳо хизматимиз бўлар малоли.
Муҳаббат бобида пок кўнгил улар,
У менинг опамдир – ўзбек аёли.

Улар Увайсийдир, улар Нодира,
Оламни ёритар кулса жамоли.
Бўлинг очиқкўнгил, бўлинг бокира,
У менинг синглимдир – ўзбек аёли.

Унинг севгисидан шеъримни битдим,
Санамнинг бошида орнинг рўмоли.
Дилга муҳаббатни муборак этдим,
У менинг ёримдир – ўзбек аёли.

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Боборавшан Жўраевга

Ўргатасиз йўлни, йўриқни,
Гоҳ берасиз курашдан таълим.
Сиз ўргатган ҳаёт дарсини
Бера олмас ҳеч бир муаллим.

Саволларим қолмас бежавоб,
Илму ҳикмат берасиз оз-оз.
Бу дунёда қанча ўрганмай,
Бўлолмаيمان сиз каби устоз.

Спорт сизга келтирган зафар,
Илмингиз чўнг, қувватингиз соз.
Шунча омад қучиб ҳам ҳар гал,
Камтарликни қилгансиз либос.

Сиз дарёсиз, биз бир томчимиз,
Сиз дарахтсиз, биз эса япроқ.
Серҳосилсиз, устоз, юзингиз
Ёруғ қилар шогирдлар ҳар чоғ.

УЛФАТЛАР

Туман ҳокими Н. О. Абдуллаева

Сен эгарда ўтирган чоғ
Отинг кишнаб турган давр.
Фаним ҳам дўст, яқин ўртоқ
Ҳар даврада бўлар кадр.
Шамол ҳайдаб булутларни
Эгаллайди қуёш ўрнин.
Кириб борсанг қай даврага
Кўрсатишар жойнинг тўрин.
Баъзан келар тор дилиннга,
Дўст давраси мен-ла гўзал.
Ярагайсан сен кўпларга,
Қўл кўксида йўлинг тўсар.
Ака дейди, иним дейди,
Ҳаттоки дер сизсиз отам.
Кўмагингиз бўлмаса дер,
Гўё тўйда бўлар мотам.
Ёрдамингиз тегса дарров,
Тўрт букилиб қилар қуллук.
Бахтимизга бор бўлинг деб,
Номингизни этар улдуғ.
Иложи йўқ деб, мабодо
Қайтарсангиз дўстнинг райин.

Дейди: Давринг қачонгача
Бўлишини бир кўрайин.
Ўйланасан, қотади бош,
Бу қандайин замон дейсан.
Томоғингдан ўтмас ошинг,
Ич-этингни ўзинг ейсан.
Омадингни кузи келиб,
Тўкилса гар япроқлари.
Ўша кунда билинади
Асл юзи ўртоқларни.
Тавба дейсан, қоласан лол,
Ақл ожиз сўз дейишга.
Эй, худойим айтгин не ҳол,
Қўл урдимми нопок ишга.
Жавоб тайёр, юрак нотинч
Адашибман, ўзимда айб.
Бирдан ўйлаб хаёлингга
Ота-онанг келар шу пайт.
Ошиқасан тушиб йўлга
Ота-она бағрига сен.
Улар билан ҳасратлашиб,
Чидагайсан барига сен.
Ўтар ойлар, ўтади йил,
Оқ-қорани танигайсан.
Яна баҳор келиб, танда
Синовлардан аригайсан.
Мен шунчаки ёздим, қўйдим,
Бошдан ўтди озми-кўпи.
Билсанг бошинг омон бўлса,
Топилади бир кун дўппи.
Узр дейман гар билмасдан,
Насиҳатни қилдим роса.
Ўйлайманки, тўғри сўзлаб
Чиқаргайсиз бир хулоса.
Сизга дўстдир ота-она,
Қўллагайдир парвардигор.

Шеърларимни ўқиганга
Раҳматимни қилгум изҳор.
Эъозлагин ҳар даврни,
Ўз кадри ҳам қиммати бор.
Тоза бўлса кимнинг қўнгли
Яратганнинг ҳиммати бор.

БУГУНГИ ШЕЪР

Дўстим Сарварга

Бугун бўйларингга дунё баробар,
Кўксингга муҳаббат гули қадалган.
Мендан хафа бўлма, эй дўстим Сарвар,
Бугунги шеърларим сенга аталган.

Ёздим ота-она, Ватан ҳақида,
Гоҳи гўзаллик, гоҳ чаман ҳақида,
Гоҳи гулрухсор, гоҳ санам ҳақида,
Бугунги шеърларим сенга аталган.

Тилайман дунёнинг бахтли уйини,
Унутма севгининг авжли куйини.
Кўрмоқдамиз бугун бахтинг тўйини,
Бугунги шеърларим сенга аталган.

Доимо биргасан ёз, қишинг билан,
Бир умр бахтли бўл оққушинг билан,
Сўзларинг тушунсин боқишинг билан,
Бугунги шеърларим сенга аталган.

Асло йироқларга кетмас хаёлинг,
Ташвиши кўп эрур, бир кам дунёнинг.
Билгин, уйда кутар энди аёлинг,
Бугунги шеърларим сенга аталган.

Сизга қучоқ очсин сирли бу олам
Бахтиёр яшанглар, кўрманглар ҳеч ғам,
Баъзида эслаб тур Мирзабекни ҳам
Бугунги шеърларим сенга аталган.

ИЗЛАБ ҚОЛДИМ

Акам Носирбек Жумабеков хотирасига

Кўзингизда минг бир маънолар,
Кимлар қилди ноҳақ даъволар.
Дилни ўртаб мунгли наволар
Ортингиздан янграб қолди-ку.

Не дардлар кемирди дилингиз,
Билолмай йиғлади қизингиз.
Оломон олдида ўғлингиз
Ортингиздан титраб қолди-ку.

Ҳар ишда Аллоҳим ёр эди,
Кимларга бу дунё тор эди.
Дадамнинг сийрати бор эди,
Ортингиздан йиғлаб қолдим-ку.

Ҳақиқат ўрнини топар деб,
Ёлғоннинг қўлини чопар деб,
Бу қандай синоат хабар деб,
Ортингиздан бўзлаб қолдик-ку.

Орзулар измида юргандим,
Мен сиздан кўп нарса ўргандим.
Сиз акам, отамсиз дегандим,
Ортингиздан излаб қолдим-ку.

УСТОЗ ЁДИ

Мусохон Зокиров хотирасига

Кадрдон масканга тушганда йўлим,
Гохида ўнгимда, гохида сўлим.
Сизни эслаганда кўксимда қўлим,
Эрта кетдингизми, Мусохон устоз?

Ҳеч ким билолмади нима дардингиз,
Гуллар билан тўлсин энди қабрингиз,
Бизни комилликка чорлар эдингиз,
Сукут этдингизми, Мусохон устоз?

Шошилиб кетдингиз ортга қарамай,
Ҳатто дўстларга-да, алвидо демай.
Сафларга кирамиз биз ҳам ҳадемай,
Кутмай кетдингизми, Мусохон устоз?

Эсласам бу кўнгил кетади бўшаб,
Дарахтлар турибди сағирга ўхшаб,
Дилларда абадий қолгайсиз яшаб,
Ҳаққа етдингизми, Мусохон устоз?

МЕҲР

Устоз Мамадали Эркаев хотирасига

Ёзганим шеър эмас, юрак фарёди,
Мактабни кўтарди шогирдлар доди.
Дилларда абадий қолгайдир ёди,
Устоз, манзилингиз энди йироқда.

Дунёга бир келиб бирда кетдингиз,
Қондошлар кўнглини вайрон этдингиз.
Чин инсон эдингиз ғамга элтдингиз,
Кулиб юришингиз энди қаёқда.

Мангуга тарк этиб кетдингиз э, воҳ,
Бизнинг шўхликлардан сочга тушди оқ.
Суюб берардингиз ҳаётдан сабоқ,
Айрилиқ ғамидан қалблар титроқда.

Сизга қўмак бўлди матонат, сабр,
Сизсиз ўтмас эди бирор-бир тадбир.
Ўрнингиз билинар, устоз, барибир,
Вужудингиз энди она тупроқда.

Сизга олқишларнинг барчаси ҳам оз,
Рухингиз бош узра қилганда парвоз.
Мирзабек ёд этар рухингизни боз,
Энди қалбларимиз мангу фироқда.



МУНДАРИЖА

Оталардан мерос меҳр.....	3	Севдим	29
Меҳрингизни қўмсайман.....	5	Олислаб кетдинг.....	29
Дадамга ўхшасам.....	6	Рост сўзладим.....	30
Отамдан кейин	6	Хаёт – имкон.....	31
Ота	8	О, хаёт	32
Айрилиқ	9	Мени ҳеч ким	
Онамга табрик.....	10	тушунмайди	33
Юракдаги савол.....	10	Қуйинма.....	34
Бош ургим келди.....	12	Тун	34
Ватан, сендан кетгим		Ўзингиз учун.....	35
келмайди	12	Орзулар олиб кел	36
Тўйинг муборак	13	Қуёш ботди.....	37
Балли йигитлар	14	Ишонма.....	38
Халқим.....	15	Ёлғон дунё.....	38
Севиб яшайман	16	Кимга ишондим	39
Гўзал бўлсин	16	Туйғулар	40
Ватаним посбонлари.....	17	Шеър ҳақида.....	41
Ўғлингман, Ватан	18	Ўзинг йўл кўрсат	41
Ўзбек	18	Мусибат	42
Унутилмас дамлар.....	19	Опаларим	43
Ёшлик	20	Қизғалдоқ.....	44
Ошиқ қилдингиз.....	20	Баҳорнинг биринчи куни.....	44
Ёш экансиз.....	21	Мувашшак.....	45
Бегонасиз	22	Шоирлар	46
Сиз – ўшамми?.....	22	Янги бир тарих	47
Йиғлаб қоласиз.....	23	Ўзбек аёли.....	48
Бахтлимисиз?!.....	24	Устозга таъзим	48
Алвидо, ёр	25	Улфатлар	49
Соғинсам	26	Бугунги шеър	51
Уволимиз тутмасмикан	26	Излаб қолдим.....	52
Муҳаббат.....	27	Устоз ёди.....	53
Соғинасизми	28	Меҳр.....	53

Адабий-бадий нашр

МИРЗАБЕК ШЕРБЕКОВ
МЕҲРИНГИЗНИ ҚЎМСАЙМАН

Шеърлар

Мухаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадий муҳаррир
Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 05.05.2020 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Босма табағи 1,75. Шартли босма табағи 2,94.

Гарнитура «Virtec Peterburg Uz». Офсет қоғоз.

Адади 150 нусха. Буюртма № 74.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими: (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими: (98) 128-78-43; (93) 397-10-87;

факс: (71) 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru